



ИСЛОМ КАРИМОВ ҲАМИША ХАЛҚИМИЗ ЮРАГИДА

Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенати биносида мамлакатимиз Президентини Ислам Каримов хотирасига бағишланган маросим давом этди. 5 сентябрь кuni вазирлик ва идоралар, корхона ва ташкилотлар, маҳаллалар, таълим муассасалари жамоалари, жамоатчилик вакилларининг қалами узилмади.



Бу ерга келувчилар Сенат биносига ўрнатилган Президентимизнинг портрети олдида бош эгиб, пойига гуллар қўйди. Турнактор бўлиб тизилган одамлар юз-қўзида, нигоҳида ўз раҳнамосига бўлган чексиз меҳр-муҳаббат, юксак ҳурмат-эҳтиром билан бирга оғир йўқотиш туфайли чуқур қайғу ва аччиқ кўз ёшлар...

— Президентимиз Ислам Каримов халқимизни нафақат мустақилликка олиб чиқди, балки уни мустақамлаш йўлида бутун борлигини бахшида қилди, — дейди пойтахтнинг Олмазор тумани Қорақамши даҳасида истиқомат қилувчи Абдумўмин Каримов. — Ёшим тўқсонга яқинлашди, лекин бундай халқларвар, доно ва доворак раҳбарни кўрмаганман. Собиқ тузум даврида вайрон бўлган қадамжолар Ўртбошимиз раҳнамолигида қайта тикланди. Дину диёнатимиз ўзимизга қайтди. Бундай савобли ишлари билан Ислам Каримов ҳаётлигидаёқ ўзига боқий ҳайкал ўрнатганди. У кишини нафақат биз, балки неча асрлар давомида авлодларимиз ҳам юксак эҳтиром билан хотирасида сақлайди.

— Мустақиллик туфайли халқимиз ўзлигини топди, дунёда ўз ўрнига эга бўлди, — дейди Шайхонтохур тумани Кўча дарвоза маҳалласида яшовчи Бону Раҳимова. — Бугун байроғимиз халқро майдонда, жаҳон арена-ларида хиллаиранда кўксимиз гурुरга тўлади. Буларнинг барида доно давлат раҳбаримиз Ислам Каримовнинг хизматлари бекиёс. Ҳозир юракларимизда шундай чексиз қайғу борки, буларни сўз билан ифода этиш қийин.

— Президентимиз Ислам Каримов халқимизнинг ҳар бир вақилини чин юракдан яхши кўрарди, — дейди юнусободлик Людмила Проценко. — Бунчи ҳис қилганмиз, биз ҳам уни доим яхши кўрганмиз, қадрлаганмиз. Айниқса, миллатлараро тутовлик муҳитини яратгани, бу масалага юксак даражада доим эътибор қаратгани мамлакатимизда тинчлик, осудалик, ҳам-жиҳатлиқни мустақамлади. Юздан зиёд миллатни бир байроқ остига бириштирди, бир мақсад сари бошлади. Бу борада Ислам Каримов бошлаб берган хайрли анъаналарни давом эттириш, уларнинг «Ўзбекистон — умумий уйимиз!» деган даъватини авлодлардан-



авлодларга етказиш бизнинг бурчимиз.

— Президентимиз Ўзбекистонни дунёда тенглар ичра тенг қилиш билан бирга, бу табаррук заминда истиқомат қилаётган барча элу элатларни бир-деқ қадрлади, эъозлади, — дейди Қорақалпоғистон халқ артисти Кенгесбой Сержанов. — Хусусан, қорақалпоқ халқига эътибори бўлакча эди. Оғир глобал экологик муаммолар гирдобиди қолган бу тупроқ истиклол туфайли эътибор топди, гуллаб-яшнади. У ерда туғилиб ўсган истеъдодлар жаҳон сахналарига, спорт ареналарига чиқди. Бу йўлда қилинган хайрли ишлари ҳеч қачон унутилмайди, асрлар оша яшайди.

— Ўртбошимиз ҳар бир ўғил-қизга оталарча меҳр-эътибор кўрсатгани, уларга дунёда тенги йўқ шарт-шароитларни яратиб бергани тарих зарваракларига мангу муҳрланади, — дейди Учтепа туманидаги 251-мактабнинг тарих ўқитувчиси Муҳайё Пирматова. — Чунки мустақиллигимизнинг йигирма беш йили давомида бу йўлда қўйилган мустақам пойдевор йиллар ўтгани сари ўз самарасини бераверади. Фарзандларимиз

халқро фан олимпиадалари, олимпиада ўйинларида ўнлаб медалларни қўлга киритмоқда, бу муваффақиятларимизнинг салмоғи бундан кейин янада ошиб бораверади. Халқимизнинг нафақат бугунги, балки келажакда эришажак галабалари ҳам Ислам Каримов номи билан боғлиқ бўлади.

— Президентимиз бизга доим азиз фарзандларим, деб мурожаат қилганлари қалбимиздан чуқур жой олган, — дейди Ўзбекистон давлат жаҳон тиллари университети талабаси Орифшон Асқаров. — Биз буюк Ўртбошимизга ўхшаган, у кишининг ишончини оқлашга ҳаракат қилганмиз. Бизнинг келажакимиз йўлида доим қуйинган, барча шароитни муҳайё этган Президентимиз бошлаган ишларнинг муносиб давомчилари бўлишга интиламиз.

— Ўзбекистонда истиклол туфайли тадбиркорлик ривожланиши, хорижий инвестицияларга кенг йўл очилиши Президент Ислам Каримов номи билан боғлиқ, — дейди Германиянинг «Siemens» компаниясининг Ўзбекистондаги ваколатхонаси раҳбари Искандар Бўронов. — Мамлакатимизда қарор топган

тинчлик, осойишталик, қулай ишбилармонлик муҳити хорижий ҳамкорларни жалб этиб келмоқда. Компаниямиз ҳозирги кунда Устюрт газ-кимё мажмуаси ва бошқа йирик корхона билан самарали технологик ҳамкорликни амалга оширмоқда. Бу буюк инсон бошлаган хайрли ишлар янада самарадорлик билан давом этишига ишонамиз.

— Ўзбекистоннинг дунё давлатлари ичида ўз ўрнига эга бўлишида Президент Ислам Каримовнинг ўрни ва роли бекиёс, — дейди Жаңубий Корейнинг «Neworold» компанияси раиси Ли Сунг Хи. — Бугун Ўзбекистон ҳар жиҳатдан тараққий этмоқда. Муҳташам бинолар, обод кўчалар, халқнинг фаровон турмуши шундан далолат беради. Ислам Каримовнинг вафоти Ўзбекистон халқи учун оғир йўқотиш бўлди. Чунки халқ ўз Президентини севарди, ҳурмат қиларди. Бугунги маросимлар, одамлар юзидagi маҳзунилик бунга кўрсатиб турибди. Биз ҳам дардингизга шерикмиз.

Норгул АБДУРАИМОВА,
ЎЗА мухбири.

ТАЪЗИЯНОМАЛАР

Ўзбекистон Республикасининг Биринчи Президенти Ислам Каримовнинг вафоти муносабати билан хорижий давлатлар, ҳукуматлар, нуфузли халқро ташкилотлар раҳбарлари, таниқли жамоат арбоблари, ишбилармон ва академик доиралар вакилларидан таъзияномалар келмоқда. Мазкур таъзияномаларда ушбу қайғули дамларда Ўзбекистон раҳбарияти, халқи ва Ислам Каримовнинг оила аъзоларига чуқур ҳамдардлик билдирилиб, сабр-тоқат тиланган.

Куйидагилар ўз таъзияномаларини йўллаган:

- | | |
|--|---|
| Европа Кенгаши Президенти | — Дональд Туск |
| Франция Республикаси Президенти | — Франсуа Олланд |
| Италия Республикаси Президенти | — Сержо Маттарелла |
| Куба Республикаси Давлат Кенгаши ва Вазирлар Кенгашининг Раиси | — Рауль Кастро Рус |
| Кувейт Давлати Амири | — Шайх Сабоҳ ал-Аҳмад ал-Жобир ас-Сабоҳ |
| Бангладеш Халқ Республикаси Президенти | — Абдул Ҳамид |
| Бангладеш Халқ Республикаси Бош вазири | — Шайх Ҳасина Вазед |
| Бруней Доруссалом Султони | — Хожи Ҳассанал Болкиях |
| Бруней Доруссалом Бош вазирининг офиси вазири ва иккинчи ташқи ишлар ва савдо вазири | — Пехин Дато Лим Жок Сенг |
| Вьетнам Социалистик Республикаси Президенти | — Чан Дай Куанг |
| Исроил Давлати Президенти | — Реувен Ривлин |
| Қатар Давлати Бош вазири, ички ишлар вазири | — Шайх Абдуллоҳ бин Носир бин Халифа Ол Саний |
| Буюк Британия Парламенти аъзоси, ташқи ишлар вазири | — Борис Жонсон |
| Малайзия ташқи ишлар вазири ўринбосари | — Дато Сри Риззал Мериан бин Найна Мериан |
| Малайзия ишбилармонлар ва саноатчилар ассоциацияси президенти | — Дато Муҳаммад Изат Амир |
| Ислам ҳамкорлик ташкилотининг Бош котиби | — Ийяд Амин Маданий |
| «Газпром» компанияси бошқаруви раиси | — Алексей Миллер |
| Германия — Ўзбекистон ишбилармонлар кенгаши ижрочи директори, «Дойче Кабель АГ Тوشент» қўшма корхонаси инвестори | — Фальк Порше |
| Испания Конгресси депутати | — Хосе Мария Чикийо Барбер |
| Саудиялик ватандошлар. | |

Таъзияномалар келиши давом этмоқда.

ХАЛҚ СУЮКЛИ ЎРТБОШИСИНИ УНУТМАЙДИ

Ўзбекистон Республикасининг Биринчи Президенти Ислам Каримов вафоти муносабати билан Навоий вилоятида ҳам видолашув маросимлари бўлиб ўтмоқда.

Алишер Навоий номидаги Марказий маданият ва истироҳат боғи эрта тонгдан гавжум. Давлат идоралари, корхона ва ташкилотлар меҳнат жамоалари, нурунийлар, ёшлар боғнинг шарқий дарвозасида ўрнатилган Президентимиз портрети пойига гуллар қўйди.

Вилоят аҳолиси халқимиз учун азиз ва қадрли бўлган Ўртбошимиз раҳнамолигида асрларга татигулик ишлар амалга оширилгани, одамларнинг ҳаётга муносабати ўзгариб, онгу тафаккури ва турмушида кескин юксалишлар рўй берганини таъкидлади. Бу жудодик ватандошларимиз учун оғир йўқотиш бўлди.

— Президентимиз Ислам Каримовнинг вафотидан айниса, биз, ёшлар чуқур қайғудамиз, — деди «Шухрат» медали соҳиби Баҳодир

Н.РАХИМОВ,
ЎЗА мухбири.

Ўзбекистон Республикасининг Биринчи Президенти Ислам Каримов вафоти муносабати билан Қашқадарё вилоятининг барча туман ва шаҳарларида мотам тадбирлари ўтказилмоқда.

БУЮК ЙЎЛБОШЧИНИ ХОТИРЛАБ

Эрта тонгдан корхона, ташкилот ва муассасалар вакиллари, ёшлар, умуман, ўн минглаб қашқадарёликлар Қарши шаҳридаги «Эл-юрт таянчи» монументига келиб, майдонда ўрнатилган Ўртбошимиз портрети пойига гуллар қўймоқда.

Истиклол йилларида Қашқадарё вилоятида ҳам кенг қўламли бунёдкорлик ва ободонлаштириш ишлари амалга оширилди. Вилоят шаҳар ва қишлоқлари замонавий қиёфа касб этиб, ишлаб чиқариш корхоналари, илм-фан, маданият, санъат ва спорт қўшоналари барпо этилди, аҳоли фаровонлиги юксалди.

Кейинги йилларда ёқилги-энергетика саноатида салмоқли натижаларга эришилди. Жумладан, «Муборакнефтьгаз», «Шўртаннефтьгаз», «Муборак газни қайта ишлаш заводи» корхоналарида янги қувватлар барпо этилди. «Шўртангазкимё» мажмуаси, Таллимаржон ИЭС каби йирик корхоналар ишга туширилди. «Ҳисорнефтьгаз», «Қўдўмалоқгаз» каби йирик қўшма корхоналар ташкил этилди. 2010 йилда ишга туширилган Деҳқонобод каллийи ўғитлар заводида ишлаб чиқарилаётган маҳсулотлар бугун хорижий мамлакатларга экспорт қилинмоқда.

► Давоми 2-бетда.

ХАЛҚИМИЗНИНГ УЛУҒ ФАРЗАНДИ

Ўзбекистон Республикасининг Биринчи Президенти Ислам Каримов вафоти муносабати билан Самарқанд вилоятининг барча туман ва шаҳарларида мотам тадбирлари бўлиб ўтмоқда.

Самарқанд шаҳридаги Форумлар мажмуаси шу кунларда нафақат вилоят аҳли, балки юртимизнинг турли ҳудудларидан келган юртдошларимиз, хорижий меҳмонлар билан гавжум. Улар бу ерда ташкил этилган хотира бурчаги ва Президентимиз портрети пойига ўзларининг Ўртбошимизга бўлган чексиз меҳр-муҳаббати, садоқатининг рамзи сифатида гуллар қўйиб, ҳурмат бажо келтирмоқда.

— 2014 йил май ойида ушбу мажмуада ўтказилган «Ўрта асрлар Шарқ алло-малари ва мутафаккирларининг тарихий мероси, унинг замонавий цивилизация ривожидagi роли ва аҳамияти» мавзусидаги халқро конференциянинг очилиш маросимида Президентимизнинг «Қаерда тинчлик ва барқарорлик бўлсагина илм-фан марказлари, академиялар, олий ўқув юртлири пайдо бўлади. Энг асосийси, таълим-тарбия рағнақ топиб, унга қизиқиш, эътибор қучади. Тинчлик-барқарорлик бўлган жойдагина одамлар ўқиб-ўрганишни, ҳар томонлама ривожланишни истайди», деган фикрлари ҳамон қулоқларим остида жаранглаб турибди, — дейди Самарқанд давлат университети профессори, Ўзбекистон Республикасида хизмат кўрсатган ёшлар мураббийи Муслихиддин Муҳиддинов. — Ислам Каримовнинг юртимизда тинчлик-осойишталиқнинг кафолати бўлгани ҳамда ёшлар таълим-тарбияси, маънавиятга, адабиётга юксак эътибори туфайли бугун Самарқанд Амир Темур бобоимиз давридагидек, илм-фан, маданият марказига айланди. Ҳозир шаҳарда саккизта олий таълим муассасаси фаолият кўрсатмоқда. Давлатимиз раҳбари ташаббуси ва ғояси билан бунёд этилган Форумлар мажмуасида халқро илмий анжунанлар,



сиёсий тадбирлар ўтказилмоқда. Ҳар икки йилда дунёнинг барча қитъаларидан маданият ва санъат намояндалари Самарқандда «Шарқ тароналари» халқро мусика фестивалида жам бўлиб, миллий мусика маданиятимиз тарихи ва анъаналарини ўрганмоқда. Ўртбошимизнинг ушбу тадбирларда иштирок этиб, «Менинг она шаҳрим Самарқандга ҳуш келибсиз!» деган бир оғиз каломининг ўзи қалбимизни фахр-ифтихорга тўлдирар эди. Бу буюк инсон барчамизнинг қалбимизда абадий яшайди.

Вилоятдаги давлат ва жамоат ташкилотлари, таълим муассасалари жамоалари, маҳаллалар аҳли Ўзбекистон Республикасининг Биринчи Президентини ёд этиб, у киши бошлаган эзгу ишларни изчил давом эттиришга аҳд қилмоқда.

Ҳ.ҲАСАНОВ,
ЎЗА мухбири.

БУЮК ЙЎЛБОШЧИНИ ХОТИРЛАБ

Қарши ва Шахрисабз шаҳарларини тубдан қайта қуриш бўйича кенг кўламли бунёдкорлик ва ободонлаштириш ишлари амалга оширилди. Президентимиз Ислам Каримовнинг 2013 йил 25 июлдаги «Қарши шаҳрини келажақда қайта қуриш режаси ва замонавий йўл-транспорт коммуникацияларини ривожлантириш даштури тўғрисида»ги қарорига асосан Қарши шаҳрининг ҳудуди 9 минг гектардан 17 минг гектарга кенгайтирилмоқда. Айтилган шаҳарнинг Ўзбекистон, Мустақиллик, Амир Темур, Алишер Навоий, Насаф, Хонобод кўчаларини кенгайтириш, атрофини ободонлаштириш ва кўлампозлаштириш, ташқи ёритиш ускуналари ва фавворалар ўрнатиш бўйича ишлар давом эттирилмоқда.

Президентимиз ташаббуси билан Қашқадарё дарёси қирғоғини ободонлаштириш ва замонавий аҳоли дам олиш масканлари ташкил этиш бўйича ишлар якунига етказилди. Хусусан, дарё суви 3 сунъий тўғон ёрдамида кўтарилиб, унинг тўлиб оқиши таъминланди. Бу ишчиотлар суви тўплаш баробарида филтрлаш вазифасини ҳам бажаради.

Қашқадарё ахли бу ишларнинг барчасини Ислам Каримов номи билан боғлайди. Давлатимиз раҳбарининг сўнгги сафари ҳам Қашқадарё вилоятига бўлган эди. Қашқадарё халқи Ислам Каримовнинг бутун мамлакатимизда, жумладан, вилоятимизда амалга оширган буюк ишларини, оғир дамларда вилоят ахлига кўрсатган ғамхўрликларини асло унутмайди.

— Буюк Йўлбошчимиз, Ватанимиз мустақиллигининг асосчиси, Биринчи Президентимиз Ислам Каримов қалбимизда абадий яшайди, — дейди вилоят касабга уюшмалари ташкилотлари бирлашмаси раиси Эсон Ражабов. — У киши вилоятда иш бошлаган кезларда аҳвол ўта оғир ва мураккаб эди. Барча соҳаларда иш орқага кетган, халқ ноҳор аҳволга тушиб қолганди. Ана шундай оғир шароитда у киши ишни аҳоли турмушини яхшилашдан бошлади. Худудда томорканчиликни ривожлантирди. Деҳқончилик қилиш учун аҳолига ер участкалари ажратди. Инсон манфаати, одамларнинг турмуш даражасини яхшилаш, фарзандларимиз учун ҳеч қимдан кам бўлмаган шароитлар яратишга доимий равишда устувор аҳамият қаратди. Одамлар ишончини, меҳрини қозонган Ислам Каримов бутун элимиз қалбиде, келахак авлодлар ёдида мангу яшайди.

У. БАРОТОВ,
ЎЗА МУХБИРИ.

Давоми. Боиланиши 1-бетда.

ЭЛУ ЮРТГА БАХШИДА УМР

Ўзбекистон Ёзувчилар уюшмасида Ўзбекистон Республикаси Президенти, мустақиллигининг асосчиси Ислам Каримов хотирасига бағишланган тадбир бўлиб ўтди. Унда ёзувчи ва шоирлар, адабиётшунос олимлар, ёш ижодкорлар, адабий-баллий насллар ходимлари иштирок этди.

Тадбир аввалида Президентимиз портрети пойига гуллар қўйилди.

Ўзбекистон Ёзувчилар уюшмаси раиси М.Ахмедов, адабиётшунос олимлар Б.Назаров, У.Норматов, Ўзбекистон халқ ёзувчилари Х.Тўхтабоев, Э.Аъзам ва бошқалар Ислам Каримовнинг халқимиз олдидаги буюк хизматлари, адабиётни раванак топтириш, миллий ўзгичилигини юксалтириш йўлидаги кўрсатган фидойилиги ҳақида сўзлаб, у кишининг вафоти Ватанимиз ва халқимиз учун ниҳоятда оғир йўқотиш эканини чуқур қайғу билан таъкидлади.

Ислам Каримов республикамизга раҳбар бўлиб келган давр халқимиз тақдирини ўта оғир, масъулиятли йиллар эди. Нафақат эркинлигимиз, балки миллийлигимиз, тилимиз, динимиз, ўзгичилигимиз ҳам ҳалокат ёқасида турганди. Шундай мураккаб шароитда Ислам Каримов ташаббуси, фидойилиги билан халқ мустақиллигига эришилмай туриб, «Давлат тили ҳақида»ги қонун қабул қилинди. Миллий байрамларимиз, дину эътиқодимизга янгидан ҳаёт бахш этилди. Адабиётимизни раванак топтириш борасида ишлар амалга оширила бошланди.

Юртбошимиз «Адабиёт масаласи — маънавият масаласи» деган шиорни илгари сўриб, бу эзгу ғояни ҳаётга татбиқ этишга раҳнамоллик қилди. Ижодкорларни қўллаб-қувватлаш, адабиёт майдонига кириб келаётган ёшларнинг ижодий салоҳиятини юзага чиқариш борасида барча шароит яратилди. Буюк мутафаккир аждодларимизнинг маънавий меросини асраш, келахак авлодларга етказиш йўлида улкан ишлар амалга оширилди.

— Президентимизнинг маънавиятимизни юксалтириш борасида кўрсатган юксак фидойилигига қўллаб-қувватлаш келтириш мумкин, — дейди адабиётшунос олим Шўҳрат Ризаев. — Масалан, пойтахтимизда «Шахидлар хотираси» хабарони барпо этилиши жараёнидаги ҳаракатлари асло кўз олдимиздан кетмайди. Юртбошимиз тизиг давлат ишларидан ортиб, ушбу музейни ташкил этиш жараёнини доимо кузатиб борган. Музей экспозициясини қандай асосда тузиш, унга қандай ҳужжатларни қўйиш, қандай тарихий манбаларга таяниш ҳақида берган йўл-йўриқларини эшитиб лол қолганмиз. У киши нафақат сиёсат ва иқтисод, тарих соҳасида ҳам чуқур билимга эга эди. Она халқимизнинг узок ва яқин ўтмиши ҳақида билим ва тушунчалари ниҳоятда юксак эди. Халқимизга ана шундай улғу зот раҳнамо бўлгани бизнинг бахтимиз. Ушбу бахту саодатимиз абадий бўлиши учун улғу Йўлбошчимиз бошлаган ишларларини муносиб давом эттириб, Юртбошимизнинг руҳларини доимо шод этишимиз керак.

Бутун умрини элу юртимиз раванқи, бахти учун бағишлаган буюк инсон Ислам Каримовнинг ёрқин хотираси қалбларимизда мангу сақланади.

Б. ХИДИРОВА,
ЎЗА МУХБИРИ.

ЭЛЕКТОРАТ МАНФААТИ

Партия гуруҳлари масъулияти

Хар бир сиёсий партиянинг асосий мақсади мамлакат тараққиётига муносиб ҳисса қўшишидир. Бу электорат манфаатларини ҳимоя қилиш йўли билан амалга оширилади.

Ушбу жараёнда, албатта, ҳудудий партия ташкилотлари ва депутатлик бирлашмалари фаолияти муҳим ўрин тутди.

Айниқса, ҳудудий ислохотларни чуқурлаштириш, ижтимоий самарадорлигини оширишда маҳаллий Кенгашлар сессияларида қабул қилинаётган қарорларнинг аҳамияти катта. Маҳаллий вакиллик ҳокимиятини ҳаракатга келтирувчи асосий омил сиёсий партияларнинг депутатлик гуруҳларидир. Шундай экан, сессияда белгиланган вазифаларни амалга ошириш, ечимини қутаётган масалалар юзасидан муқобил таклифлар ишлаб чиқиш, маълум бир ижтимоий вазифани зиммага олиб, уни охиригача ҳал этиш учун интилиш партия гуруҳларимиз зиммасидаги асосий вазифалардан ҳисобланади.

Халқ депутатлари Қашқадарё вилоят, туман ва шаҳар Кенгашларида ЎзХДПнинг 167 нафар депутати шундан келиб чиқиб режалар асосда фаолият юритмоқда.

Ишчимизнинг самараси, биринчи навбатда, партия-мизнинг Сайловолди ҳамда Ҳаракат дастурларида белгиланган устувор вазифалар ижросида қўйилди, албатта. Вилоятимиздаги партия-миз ташкилотлари ва гуруҳлари бунинг муҳимлигини англаган ҳолда, изчил фаолият олиб бормоқда.

Партия-мизнинг 2015-2019 йилларга мўлжалланган Ҳаракат дастурида 2016 йил учун белгиланган вазифалар, шунингдек, маҳаллий ижро ҳокимияти идоралари фаолияти, электорат манфаатлари билан бевосита боғлиқ бўлган масалалар тизимли равишда ўрганилиб, халқ депутатлари маҳаллий Кенгашлари сессиялари муҳокамасига олиб чиқилмоқда. Хусусан, жорий йилнинг ўтган даври мобайнида аҳолининг репродуктив саломатлигини янада мустаҳкамлаш, оналар, болалар ва

Фаолиятимизни бугунги кун талаби даражасида олиб бориш учун янада кўпроқ ишлашимиз, фидойи бўлишимиз керак. Ижтимоий масалаларни нафақат вакиллик ҳокимияти муҳокамасига олиб чиқиш, балки уларни ҳал этиш юзасидан ўз позициямизни билдиришимиз, муқобил таклифларни илгари суришимиз лозим бўлади.

Ўсмирлар соғлигини муҳофаза қилиш, кўп қаватли уйларида яшовчи аҳолини табиий газ, электр энергия ва ичимлик суви билан доимий таъминлаш, қишлоқ жойларда намунавий

■ Демократик ислохотларнинг ҳозирги босқичида депутатлардан фидойилик, катта масъулият талаб этилади.

лойиҳалар асосида қуриладиган яқка тартибдаги уй-жойларнинг коммунал инфратузилмасини ташкил қилиш, дори воситалари ва фармацевтика фаолияти тўғрисидаги қонун ижроси билан боғлиқ масалалар маҳаллий Кенгашлар доимий комиссиялари ва сессияларида атрофлича кўриб чиқилди. Уларда билдирилган фикр-мулоҳазалар асосида тегишли қарорлар қабул қилинди.

Бундан ташқари, депутатлар томонидан 20 дан ортиқ сўров маҳаллий давлат ҳокимияти ва бошқаруви органларига юборилди.

Буларнинг барчаси электорат манфаатлари ҳимоя қилиниши, уларни ўйлантириб кела-

ётларини ўрганиш имкониятига эга бўлади.

Унутмаслик кераки, бизга электоратимиз, сайловчиларимиз аввало ўзимиз илгари сурган дастурий масалаларни қай даражада амалга оширганимизга қараб баҳо беради.

Фаолиятимизни бугунги кун талаби даражасида олиб бориш учун янада кўпроқ ишлашимиз, фидойи бўлишимиз керак. Ижтимоий масалаларни нафақат вакиллик ҳокимияти муҳокамасига олиб чиқиш, балки уларни ҳал этиш юзасидан ўз позиция-мизни билдиришимиз, муқобил таклифларни илгари суришимиз лозим бўлади.

Депутатлик гуруҳлари олдида турган энг муҳим вазифалардан яна бири доимий комиссия ҳамда сессияларда қабул қилинган қарорлар ижроси юзасидан мунтазам назорат олиб боришдир. Бу депутатларнинг фаолигини янада ошириш билан бирга, электорат манфаатини самарали ҳимоя қилишда қўл келади.

Хулоса қилиб айтганимиз бўлса, сиёсий партиянинг асосий таянчи маҳаллий Кенгашлардаги депутатлик гуруҳларидир. Уларнинг фаолиятини қучайтириш ҳудудлардаги ижтимоий масалаларни комплекс ўрганиш ва ҳал этиш, мансабдор шахсларнинг масъулиятини ошириш, давлат ва ҳудудий дастурларнинг ўз вақтида бажарилишини таъминлашга хизмат қилади.

ОЛИМ РАВШАНОВ,
халқ депутатлари
Қашқадарё вилоят
Кенгашидаги
ЎзХДП гуруҳи раҳбари.

■ ЎзХДП «ФАОЛ АЁЛЛАР» ҚАНОТИ

СИЁСИЙ-ҲУҚУҚИЙ БИЛИМ дунёқарашни кенгайтиради

Ўтган ҳафтада «Ўзбекистон ХДПнинг энг фаол аёли» кўрик-танловининг Чирчиқ шаҳар босқичи ўтказилди.

Тадбир аввалида Чирчиқ шаҳар партия кенгаши раиси Дониёр Азизхўжаев хотин-қизларга эътибор ва ғамхўрлик кўрсатиш давлатимиз сиёсатининг устувор йўналишига айланиши, ЎзХДП дастурида ҳам бу ғоя чуқур ўрин олгани ҳақида сўз юритди.

Иштирокчилар шартларга астойдил тайёр-гарлик кўргани уларнинг ҳар бир қизиқишда сезилиб турди. Оилавий тадбиркорлик, миллий ҳунармандчилик, касаначилик билан боғлиқ лойиҳалар тақдим этилди.

4 нафар шифокор, 10 нафар ҳамшира, бир ҳисобчи. Бу қатнашчи Шарофат Аллаберганованинг лойиҳаси амалга ошса, зарур бўладиган ходимлар рўйхати. У аҳолига тиббий хизмат кўрсатиш ҳамда маслаҳат марказини ташкил этишни мақсад қилган. Хотин-қизларнинг тиббий маданиятини оширишга қаратилган суҳбатлар, махсус курсларни йўлга қўйиш борасида ҳам бир қанча таклифларни илгари сурди.

Гўзал Абдукаримова эса нон ва нон махсу-

лотлари ишлаб чиқариш цехини ишга тушириш бўйича лойиҳа тақдим этди. Бунинг учун керакли ресурсларни ҳам аниқ кўрсатиб ўтди.

«Қонунларимиз ҳаёtimиз асосидир» шартини қатнашчи Шоҳида Жумабоева реклама тўғрисидаги қонунни шарҳлар экан, четдан кириб келаётган рекламаларни менталитетимизга мослаштириб, сўнг намойиш этиш кераклигини таъкидлади.

Узина Бекмуротова эса пенсия билан боғлиқ имтиёзлар ҳақида фикр-мулоҳазаларини билдирди.

Ҳакамлар иштирокчиларга қўйилган балларни умумлаштиргунча чирчиқлик опа-сингилларимиз билан суҳбатлашдик, уларнинг танлов ҳақидаги фикрларига қизиқдик.

— Ўтган йили ҳам танловда томошабин сифатида қатнашган эдим, — дейди уй бекаси Лобар Тўйчиева. — Олган таассуротларим жуда аққотди. Сиёсий билимга эга бўлиш, ҳуқуқларни яхши билиш одамнинг ўзига ишончини ошири-



Сингар ШОТЎЛАГАНОВ олган сурат.

шини англаб етдим. Айниқса, уй юмушлари-ю бола тарбияси билан банд аёллар учун бунинг аҳамияти катта, деб ўйлайман. Сабаби, танлов орқали аёллар ҳаёtimизнинг ҳуқуқий асослари тўғрисида кенгроқ тушунчага эга бўлишди.

— Тадбирга қўшимнинг таклифи билан келгандим ва бундан афсусланмадим, — дейди уй бекаси Зухра Ҳамидова. — Мамлакатимизда хотин-қизларга яратилаётган имкониятлар, имтиёзлар ҳақида ўзим учун фойдали маълумотлар олдим.

Танловнинг умумий натижаларига кўра, Шарофат Аллаберганова вилоят босқичига йўланма олди.

Олмалик шаҳрида ҳам кўрик-танлов иштирокчилари ўзларининг билими ва зукколигини намойиш этишди.

Хотин-қизлар ўз ҳудудининг ижтимоий-иқтисодий ҳолатидан келиб чиққан лойиҳалари орқали аёллар бандлигини таъминлашга ҳисса қўиш истагини билдиришди. Меъёрий-ҳуқуқий ҳужжатлар бўйича фикр-мулоҳазала-

рини айтиб ўтишди.

Улар орасидан «Энг яхши нотик», «Энг фаол иштирокчи», «Энг яхши ижтимоий лойиҳа» номинацияларига муносиблари эълон қилинди. Энг юқори баллга эга бўлган Димкура Ҳасанбоева навбатдаги босқичда иштирок этиш ҳуқуқини қўлга киритди.

Тошкент вилоятининг барча шаҳар ҳамда туманларида «Ўзбекистон ХДПнинг энг фаол аёли» кўрик-танлови юқори савияда бўлиб ўтди.

ЗИЛОЛА УБАЙДУЛЛАЕВА,
«Ўзбекистон овози»
мухбири.

САВОЛ ВА ЖАВОБ



— Менинг икки

ёшли қизим бор.

Уни боғчага бермоқ-

чиман. Мактабгача таълим муассасалари таъминотида ҳақ тўлаш тартиби тўғрисида кенгроқ маълумот олишни истардим.

ИРОДА АНВАРЖОНОВА,
Тошкент шаҳри.

Мукаддас
РАҲМАТУЛЛАЕВА,
халқ депутатлари Тошкент
шаҳар Кенгашидаги ЎзХДП
гуруҳи аъзоси:

— Мактабгача таълим муассасалари ва мактаб-интернатлардаги болалар таъминотида ҳақ тўлаш тартиби тўғрисидаги Низомга кўра, тўловлар қонун ҳужжатларида белгиланган миқдорда амалга оширилади. Мактабгача таълим муассасасига битта оиладан икки ва ундан ортиқ болалар қатнаса, уларнинг ҳар бирига ушбу тоифадаги оилалар учун қонун ҳужжатларида белгиланган тўлов миқдорлари қўлланилади. Бунда битта оиладан икки ва ундан ортиқ бола турли болалар боғчасига қатнаса, ота-оналар ёки уларнинг ўрнини босувчи шахслар маълумотнома тақдим этиши лозим.

Шунингдек, жисмоний ёки ақлий ривожланишидаги нуқсонлари бўлган болалар таъминоти учун ота-оналар тўлови ундирилмайди. Болалар таъминоти учун тўловлар ота-оналар ва муассаса ёки мактаб-интернати ўртасида тузилган шартномага асосан амалга оширилади. Тўловларни ҳар ойнинг 15-санасидан кечиктирмаслик керак. Ойнинг 15-санасидан кейин келган болалар таъминоти учун тўловлар эса бола келган кундан бошлаб 3 кун ичида тўланади. Унинг миқдори боланинг мактабгача таълим муассасасига қатнайдиган ёки мактаб-интернатида бўладиган кунларига мутаносиб равишда бўлади.

Мактабгача таълим муассасалари ва мактаб-интернатларидаги болалар таъминотида маблағларни тижорат банклари орқали нақд пул ёки банк пластик картончалари орқали ҳамда пул ўтказиш йўли билан тўлаш мумкин. Бунда тўловнинг амалга оширилганини тасдиқловчи ҳужжат нусхаси тақдим этилади.

Шу ўринда яна бир масала ҳақида тўхталиб ўтиш керак. Боланинг ёки оила аъзоларининг касаллиги, карантин ҳолатида бўлгани туфайли, шунингдек, ота-оналардан бирининг ишдан (ўқибдан) бўш вақти даврида ёки бошқа сабабларга кўра бола мактабгача таълим муассасасига кетма-кет уч кундан ортиқ келмаган даври учун тўланган маблағ кейинги тўловларни амалга оширишда ҳисобга олинади. Бунда боланинг келмаган кунлари сони бир кунлик тўлов миқдорига қўпайтирилади.

Низомга кўра, шу нарса белгилаб қўйилганки, боланинг боғчага келмаганлиги сабаби тегишли даволаш-профилактика муассасаси ёки участка шифокори томонидан белгиладиган маълумотнома билан тасдиқлангани шарт. Шунингдек, ота-оналардан бирининг муассаса раҳбарияти номига аниқ бир сабаб кўрсатилган ҳолда ёзган аризаси (билдиришномаси)га асосан боланинг бир йилда кўпи билан 60 кундан ортиқ бўлмаган муддатгача боғчага келмаслигига рухсат берилади.

Мактабгача таълим муассасаларидаги (мактаб-интернатлардаги) болалар умумий сонининг 15 фоизи доирасида кам таъминланган оилалар фарзандлари тўловдан озод қилиниши керак.

Бу ҳақида бошқа саволларнингизга юқорида номи келтирилган Низомдан жавоб олишингиз мумкин. Ушбу ҳужжат Халқ таълими вазирлиги ҳамда Молия вазирлиги қарорига асосан тасдиқланган.

СОЛИҚ
ИСЛОҲОТЛАРИ

■ Кейинги беш йил давомида мамлакатимиз бюджети даромадларининг миқдори 2,2 баробарга ўсган бўлса, айнан шу даврда солиқ имтиёзларининг миқдори 3,5 баробарга ўсган.

Имтиёзлар иқтисодиёт
ривожига хизмат қилмоқда

Иқтисодиётни таркибий ўзгартириш ва диверсификация қилишни чуқурлаштириш, юқори технологияларга асосланган янги ишлаб чиқариш тармоқларини ташкил этиш ҳамда жадал ривожлантириш долзарб аҳамиятга эга.



У.А. Бурати.

Давлат солиқ имтиёзлари орқали иқтисодиётни самарали ва қулай бошқариш имкониятига эга бўлади.

балки ишлатилаётган даромадлар, молиявий маблағлар оқимини иқтисодий таъриқий ўчун зарур деб топилган томонга йўналтиришди.

Мамлакатимиз солиқ тизимида солиқ тушумларининг салмоғи йилдан-йилга ўсиб бориши билан

бирга, солиқ имтиёзларининг салмоғи ҳам ортиб бормоқда. Агар кейинги беш йил давомида мамлакатимиз бюджети даромадларининг миқдори 2,2 баробарга ўсган бўлса, айнан шу даврда солиқ имтиёзларининг миқдори 3,5 баробарга ўсган. Ёки 2010 йилда солиқ тушумлари салмоғида солиқ имтиёзларининг улуши 29,2 фоизни ташкил этган бўлса, 2015 йилда 43,6 фоизни ташкил этганлигини кузатишимиз мумкин.

Республикаимизда солиқ тўловчиларга солиқ имтиёзлари ҳар томонлама ҳисоб-китоб қилиниб, аниқ мақсадли қўзғаб бериляпти. Бу солиқ тўловчининг молиявий фаолияти ва ишлаб чиқариш жараёнларининг ўсишига ижобий таъсир этиб, солиқ

тушумлари кўпайишига асос бўлмоқда.

Республикаимизда солиқ имтиёзлари асосан Солиқ кодекси ҳамда Ўзбекистон Республикаси Президенти фармон ва қарорлари асосида жорий этилади.

Амалга оширилаётган иқтисодий ислохотлардан келиб чиқиб, солиқ имтиёзлари асосан ички бозорни ҳимоя қилишга, маҳаллий хомашё ресурсларини чуқур қайта ишлашни таъминлашга, ишлаб чиқаришни янги техник ва технологик асбоб-ускуналар билан қайта жиҳозлаш ҳамда модернизацциялашга қаратилган. Имтиёзлар ҳисобида корхоналарнинг молиявий фаолияти барқарорлашмоқда ва мамлакатимиз экспорт салоҳияти ортмоқда.

Шу билан бирга, иқтисодиётнинг алоҳида тармоқларини ривожлантириш ва қўллаб-қувватлашга қаратилган имтиёзлар ҳам амал қилиб келмоқда.

Яратилаётган қулай шарт-шароитлар туфайли республикаимизда хорижий инвестициялар иштирокидаги корхоналар сони ҳам йилдан-йилга ошиб бормоқда.

Хулоса ўрнида қайта этиш лозимки, солиқ имтиёзлари ишлаб чиқаришни кенгайтиришга, янги иш ўринлари яратишга хизмат қилмоқда.

Отабек АЛЛАБЕРГАНОВ,
Давлат солиқ қўмитаси бошқарма бошлиғи.

ЎЗГАРАЁТГАН
ДУНЁ

АСТРОНОМЛАР

ўзга сайёраликлар яшаши мумкин бўлган юлдузни аниқлади

Америкалик олимлар Оқуш юлдуз туркумидаги юлдузлардан бири ўз ёруғлигининг чорак қисmini йўқотганини аниқлади, деб ёзади РИА Новости ахборот агентлиги.



Ёруғлигининг бундай пасайишига «Дайсон доираси», яъни ўзга сайёралик мавжудотлар томонидан фойдаланаётган юқори даражадаги қуёш электро-станциялари сабаб бўлиши мумкин. Гап шундаки, сўнгги етти йил ичида бу юлдузнинг ёруғлиги даражаси икки қарра пасайган.

Ушбу ҳол биринчи марта юз берганида уни кометалар гала-си тўсиб қўйган деб тахмин қилинган, лекин кўп ўтмай бу тахмин рад этилган. Энди эса юлдузнинг хиралашаётганлиги-га ўзга сайёраликлар томонидан яратилган эҳтимолий «Дайсон доираси» сабаб қилиб кўрсатилмоқда.

700

КАРКИДОННИ
сақлаб қолиш учун

Каркидон шохи қора бозор-да ўта харидордир. Талаб ошган сайин бу турдаги жониворларнинг сони ҳам қисқариб бормоқда. Жумладан, 2015 йилда Африкада рекорд даражада — 1305 каркидон ўлдирилган.

Зимбабве ҳукумати каркидонлар браконьерларнинг асосий ўлжасига айланаётгани боис, бу турга мансуб 700 жониворнинг шохларини кесиб олишни режалаштирмоқда. Бу ҳақда Интерфакс ахборот агентлиги хабар бермоқда.

Қўриқхоналарда шохларни арралаб олишга 1,2 минг доллар сарфланади. 100 га яқин каркидон, Миллий боғлар ҳудудидида, қолганлари эса очик табиатда яшайди.

15 МИНГ НАФАР
БОШПАНА
СЎРОВЧИ

чиқариб юборилиши мумкин

Норвегия расмийлари қирол-лик ҳудудига 2015 йилда кириб келган 15 минг нафарга яқин бошпана сўровчини мамлакатдан чиқариб юборишига тўғри келиши мумкинлигини маълум қилди. Бу ҳақда ТАСС ахборот агентлиги хабар бермоқда.



Ўтган йили бошпана бериш-ни сўраб, 31 минг муҳожири келиб тушганди. Бу кўрсаткич бундан аввалги йилларда 10 мингдан ошмаган.

Норвегия Иммиграция маса-лалари бўйича бошқармаси му-тахассисининг сўзларига қара-ганда, бу муҳожириларнинг яр-мига яқини қаноатлантирилди. Бошқармадан рад жавобини олган 12 мингдан 15 минг на-фаргача муҳожири ватанига ёки келган мамлакатига қайтариб юборилди.

ҚАМЧИҚ
ДОВОНИ
ОРҚАЛИ

йўловчи поездининг мунтазам қатнови бошланди

Кеча «Тошкент — Андижон — Тошкент» йўналиши бўйлаб «Ўзбекистон» поездининг мунтазам ҳаракати йўлга қўйилди. Бу ҳақда «Ўзбекистон темир йўллари» АЖ матбуот хизмати хабар бермоқда.



Масофа олти соатда босиб ўтилади: поезд Тошкент марказий вокзалидан 8:05 да жўнаб кетиб, Андижон вокзалига 14:05 да етиб боради. 15:25 да эса Андижондан ортга қайтиб, 21:25 да пойтахтга қайтиб келади. Поезд йўл давомида Поп, Кўкөн ва Марғилон вокзалларида тўхтаб ўтади.

Вагонлар уч тоифага бўлинган: Economy — 45 минг сўм, Business — 68 минг сўм ва VIP — 130 минг сўм. Янги йўналиш ҳақидаги батафсил маълумотни 1005 қисқа рақамга кўнгрор қилиб билиш мумкин.

ТОШКЕНТДА

Авлиёота кўчасида қатнов йўлга қўйилди

Бу ҳақда uz24.uz сайтида хабар берилган.



Авлиёота кўчаси Нукус кўчасидан Тошкент вокзалига қичиш, Кичик халқа йўлидан эса Миробод деҳқон бозори-га бориш имконини берувчи қисқа йўللardan биридир.

Ойбек кўчасининг Нукус кўчасидан Тошкент вокзалига олиб кичувчи бўлаги ёпилиб, унинг ўрнида кўкаламзорлаштирилган дам олиш ҳудуди ташкил этилади.

BOEING-787
DREAMLINER
парвозда

«Ўзбекистон ҳаво йўллари» миллий авиакомпанияси яқинда қабул қилиб олган Boeing-787 Dreamliner самолётида мунтазам рейсларни амалга оширишга киришди.

Авиакомпания матбуот хизмати берган хабарга кўра, ҳаво кемасидан ички рейсларда фойдаланилади. Яъни, у Тошкент — Урганч — Бухоро — Тошкент ва Тошкент — Нукус йўналишларида парвоз қилади.

■ ИСТИҚЛОЛ ИМКОНИЯТЛАРИ

ИЛМИЙ-ЛОЙИҲА МАРКАЗЛАРИ
ИШ БОШЛАДИ

Ўзбекистон Ташқи иқтисодий фаолият миллий банки, Кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик субъектларининг экспортини қўллаб-қувватлаш жамғармаси ҳамда «Ўзинвестлойиҳа» республика инжиниринг компанияси ҳамкорлигида ҳудудларда илмий-лойиҳа ишлаб чиқариш марказлари ташкил этилди.

Мамлакатимиз азалдан ўзининг ажойиб таъми, экологик тозаллиги билан ажралиб турадиган мева ва сабзавотлари, полиз маҳсулотлари билан машҳур. Экспертларнинг маълумотларига кўра, бизнинг иқлимимизда етиштирилган мева-сабзавотлар бебаҳо истеъмол хусусиятлари, яъни таркибида табиий шакар, амина ва органик кислоталар, саломатлик учун энг муҳим бўлган микроэлементлар ва озиқ-овқат рационидида ўрнини алмаштириб бўлмайдиган турли биологик моддаларга бойлиги билан бошқа давлатларда етиштирилган ана шундай маҳсулотлардан сезиларли равишда юқори туради.

Мустақил тараққиётимизнинг ўтган қисқа даврида амалга оширилган улкан ислохотлар қишлоқ хўжалигини тубдан диверсификация қилиш ва аҳолимизни асосий озиқ-овқат маҳсулотлари билан тўлиқ таъминлаш, уларни катта миқдорда экспорт қилишни йўлга қўйиш имконини берди.

Ўзбекистоннинг кўплаб минтақалари қисқа муддатда жаҳон бозорларида харидоригир бўлган мева ва

сабзавот маҳсулотлари етиштирилган ва экспорт қиладиган ҳудудларга айланди. Юртимизда юқори ҳосил берадиган интенсив боғлар ташкил қилинди, томчилатиб сугориш тизими жорий этилди.

Бу борада эришилаётган ютуқларни янада мустаҳкамлашда «Ўзинвестлойиҳа» инжиниринг компанияси қошида ташкил этилган илмий-лойиҳа ишлаб чиқариш марказларининг ўрни бекиёсдир. Улар, хусусан, ишлаб чиқарувчилар ҳамда қайта ишловчи корхоналарга экспорттоб мева-сабзавот маҳсулотларини етиштириш бўйича илғор жаҳон тажрибасини ўрганиш, халқаро ва хориждаги етакчи илмий-тадқиқот марказлари билан ҳамкорлиқни ривожлантиришда яқиндан кўмак беради. Шунингдек, мева-сабзавот маҳсулотларининг экспорттоб, ҳосилдор навларини аниқлаш, бу навларни қайси ҳудудларда етиштириш, уруғ ва кўчатларни қаердан харид қилиш, кимёвий ўғит ва касалликка қарши дори воситаларидан қандай фойдаланиш борасида ҳам маслаҳатлар берилади.

— Биз тадбиркорларга мева-сабзавот ва озиқ-овқат маҳсулотларини экспорт қилишда хорижий бозорларда талаб этиладиган сертификат, лицензия ва бошқа рухсат берувчи ҳужжатларни тайёрлашни ҳам ўргатамиз, — дейди Кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик субъектларининг экспортини қўллаб-қувватлаш жамғармаси бўлим бошлиғи Марат Жўраев.

— Мутахассисларимиз қишлоқ хўжалиги маҳсулотларини замонавий хорижий технологиялар асосида қайта ишлаш, уларни саралаш ва қадоқлаш бўйича маҳаллий тадбиркорларга тавсиялар бермоқда.

Экспертларнинг маълумотларига кўра, бизнинг иқлимимизда етиштирилган мева-сабзавотлар бебаҳо истеъмол хусусиятлари, яъни таркибида табиий шакар, амина ва органик кислоталар, саломатлик учун энг муҳим бўлган микроэлементлар ва озиқ-овқат рационидида ўрнини алмаштириб бўлмайдиган турли биологик моддаларга бойлиги билан бошқа давлатларда етиштирилган ана шундай маҳсулотлардан сезиларли равишда юқори туради.

Ўзбекистон селекционерлари томонидан сабзавот, полиз экинлари ва картошканинг 170 дан ортиқ, мева ва резавор экинлар, узумнинг 175 янги нави яратилган. Ўзбекистоннинг ноёб тупроқ-иклим шароити, тўрт фаслнинг изчил алмашинуви кенг турдаги юқори сифатли мева ва сабзавотларнинг асосий навларини етиштириш учун қулай имкониятлар яратди. Шунинг учун ҳам саховатли ўзбек заминидида етиштирилаётган

мева ва сабзавотлар юқори нуфузга эга бўлган ҳақиқий бренлга — товар белгисига айланиб, бу маҳсулотларни сотиб оладиган мамлакатларда улар юксак рақобатбардорлиги билан ажралиб туради.

Айни вақтда янги ташкил этилган илмий-лойиҳа ишлаб чиқариш марказларида хорижий бозорлар конъюктурасини чуқур ўрганиш, талаб ва таклифни таҳлил қилиш натижасида маҳаллий мева-сабзавот ва озиқ-овқат маҳсулотлари экспорти учун янги имкониятларни аниқлаш, хорижий бозорларни ўзлаштириш чоралари кўрилмоқда.

Сайёра ШОЕВА,
ЎЗА муҳбири.

ОТАЛАР СЎЗИ, АҚЛНИНГ КЎЗИ

БОЛАЛАР СПОРТИ

Янги спорт масканлари

Ўзбекистон Болалар спортини ривожлантириш жамғармаси томонидан Фарғона вилоятида жорий йилнинг ўтган даврида 27 спорт иншооти ва 1 болалар мусика ва санъат мактаби барпо этилди.

Мамлакатимизда болалар спортини ривожлантириш, унинг оммавийлигини таъминлашга қаратилаётган эътибор фарзандларимизнинг соғлом ва баркамол улгайиши, уларда Ватанга муҳаббат, истиқлол ғояларига садоқат ва миллий гурур туйғуларини мустаҳкамлашга хизмат қилмоқда.

2003-2015 йилларда Ўзбекистон Болалар спортини ривожлантириш жамғармаси томонидан вилоятда 160 спорт иншооти ҳамда 28 болалар мусика ва санъат мактаби барпо этилди, мавжудлари тўдан реконструкция қилинди. Бу мақсадлар учун 120 миллиард сўмдан ортиқ маблаг сарфланди.

— Вилоятда манзилли дастур асосида спорт иншоотлари бунёд этишда маҳаллий шароит, ҳудуд ёшларнинг қизиқиш ва имкониятлари ҳисобга олинаётгани оммавий спорт турлари ривожланиши, спорт мусобақалари кўлами кенгайишида муҳим аҳамият касб этмоқда, — дейди Болалар спортини ривожлантириш жамғармаси Фарғона вилояти филиали директори Ғ.Мамажонов. — Натижада халқаро мусобақаларда улкан марраларни забт этаётган спортчи ёшларимиз сафни тобора кенгайтирмоқда.

Таълим масканларида ўқувчиларнинг бўш вақтини мазмунли ташкил этиш, спорт билан мунтазам шуғулланиши учун барча шароит яратиш ҳамда уларни турли спорт мусобақаларига жалб қилишга ҳам алоҳида эътибор қаратилмоқда. Учқўприк туманидаги 14-умумтаълим мактабида замонавий спорт мажмуаси қад ростлаб, ўқувчи-ёшлар ихтиёрига топширилди.

— Барча қўлайликларга эга бўлган янги зал 37 хил замонавий спорт жиҳозлари билан таъминланди, — дейди мактаб директори Одинахон Ғўзиматова. — Бу ерда ювенил, тиббиёт, мураббийлар хоналари мавжуд. Янги иншоотнинг бунёд этилиши мактабимизда фаолият кўрсатаётган спорт тўғрисида каторида бадий гимнастика, каратэ, бокс машғулотларини йўлга қўйиш имконини беради.

М.СУЛАЙМОНОВ,
ЎЗА мухбири.

ЁШЛАРГА ОИД ДАВЛАТ СИЁСАТИ — АМАЛДА

АКТ бўйича ўқув-семинар

Тошкент ахборот технологиялари касб-хунар коллежида «Интеллектуал» ахборот технологиялари бўйича лойиҳалар танлови ҳудудий босқичлари ҳолиблари учун ўқув-семинар ўтказилмоқда.

«Камолот» ёшлар ихтимоий ҳаракати, Олий ва ўрта махсус таълим, Ахборот технологиялари ва коммуникацияларини ривожлантириш вазирликлари ҳамкорлигида ташкил қилинган тадбирда бугунги глобаллашув замонида интеграция жараёнидан ўзлашмай, дунё тамаддунига ҳамкадам ривожланиш, соғлом ахборотлашган жамиятнинг шаклланиши, миллий интернет сегментини бойитиш, миллий манфаатларга мос, ҳар томонлама фойдали сайтларни яратиш, қўлайтириш, ёш веб-ихтирочиларини моддий ва маънавий жиҳатдан қўллаб-қувватлаш муҳим аҳамият касб этаётгани таъкидланди.

Бугун мамлакатимизда алоқа ва ахборотлаштириш соҳаси замонавий технологиялар асосида жадал ривожланмоқда. Интернет, мобил алоқа ва бошқа қўллаб-қўрғин технологиялари маҳсулотлар хавфимизнинг ажралмас қисмига айланиб бораётди. Алоқа, ахборотлаштириш ва телекоммуникация технологияларини ривожлантиришга қўмаклашадиган, соҳани янги, замонавий босқичга олиб чиқадиган меъёрий-ҳуқуқий база ижтимоий-иқтисодий лойиҳаларни амалга ошириш зарур.

Жорий йилнинг 9 сентябрга қадар давом этадиган ўқув-семинарларда иштирокчиларнинг ахборот-коммуникация технологиялари, соҳада амалга оширилаётган ислохотлар, Ватанимиз тараққиётига салмоқли ҳисса қўшадиган миллий дастурий маҳсулотлар бозорини ривожлантиришга доир билим ва салоҳияти оширилмоқда.

«Интеллектуал» ахборот технологиялари бўйича лойиҳалар танловининг мамлакат босқичини юқори савияда ташкил этишга, иштирокчиларнинг веб-ишланмалари, мобил ва виртуал воқеали бўйича иловалари тақдиротида ҳар томонлама тайёргарлик қўрилмоқда.

Д.КАРИМОВ,
ЎЗА мухбири.

■ Келажаги буюк давлатнинг ворислари ҳар жиҳатдан етук, соғлом бўлиши зарурлигини унутмаслик даркор.

ФАРЗАНД ТАРБИЯСИ

бўйича баъзи мулоҳазалар

Нуроний, оппоқ соқоли ўзига ярашган, саксонни қоралаганига қарамай, ҳали тетик ва бардам кўринишли отахон хонага кириб, санимий саломлашгач, вазмин гап бошлади:

— Болам, Наманганнинг Попидан, Резаксой қишлоғидан атайлаб келдим...

Гап шундаки, тилимиз, динимиз, ҳилпираб турган байроғимиз бор. Кундан-кун ривожланиб бораётган Ватанимиз билан фахрланамиз. Энг муҳими, баркамол авлод камол топмоқда. Буюк аждодларга муносиб авлод вояга етмоқда. Ёшларимиз чуқур билим олиши, касб-хунар ўрганиши учун ҳамма шароитлар яратилмоқда. Замонавий мактаблар, лицей ва коллежлар, спорт саройлари, мусика мактаблари барпо этилмоқда.

Бу имкониятларга қараб туриб, ўйлаб қоламан. Давлат шунча ишни қилиб беришти, ота-оналар нима иш қилиши керак? Тўғриси, ота-оналар зиммасида катта масъулият бор. Улар, айниқса, фарзандлари бўш вақтини қандай ўтказаятиганига алоҳида эътибор қаратиши лозим. Чунки бекорчилик оқибатида бола ёмон иллатлар таъсирига тушиб қолиши мумкин. Ичиш ва чекиш каби бемаза одатлар ҳам бекорчиликдан бошланади, болани кимдир йўлдан уради



Ў.А. сурути.

ёки у кимгадир тақдир қилади.

Ҳаётдан кузатиб айтманки, чекиш ичкилик-бозликни ёки ичкиликбозлик чекишни келтириб чиқаради. Энг хавфлиси, чекиш-ичиш билан гиёҳвандлик ўртаси бир қадам. Ёшлар тарбиясини бузувчи, жамият тараққиётига зиён етказувчи бундай иллатлардан қандай қутилиш мумкин?

Бу тақдирлар бировга ёқар, бировга ёқмас, лекин одамларга билдиргим келяпти. Наманганда бир анъана йўлга қўйилган. Ароқхўр тўйга айтилмайди ёки унинг тўйига кўпчилик бормайди. Ўйлайманки, ичкиликбозликка қарши курашда шунга ўхшаш, яъни жамоатчилик таъсирини ўтказувчи усул-

Ёшларимиз чуқур билим олиши, касб-хунар ўрганиши учун ҳамма шароитлар яратилмоқда. Замонавий мактаблар, лицей ва коллежлар, спорт саройлари, мусика мактаблари барпо этилмоқда.

лар ўйлаб топилса, фойдали бўларди.

Ўзини Мамаосили Сатторов деб таништирган отахон

шу ерга келганда бироз сукут сақлаб қолди, сўнг яна гап бошлади:

— Умр бўйи болаларга физика-математикадан сабоқ бердим. Шу дейман, айримларга ҳайронсан, ичиш ё чекиш саломатликка зарарлигини билишадилар. Аммо «менга ҳеч нарсаси қилмайди», деб ўйлайди. Соғлигини йўқотиб бўлгач, афсус чекади. Наҳотки, туғилган кунлар ё бошқа хайрли тадбирларни ичиш-чекишсиз ўтказиб бўлмас. Айрим тўйларда шира-кайф йиғитнинг қизларини рақсга тақдир этиши оқибатида жанжаллар келиб чиқмоқда. Шунингдек, спиртли ичимликларни истъмоол қилганларни жамоат транспортига чиқармаслик йўллари ҳақида ҳам ўйлаб кўрилса, ёмон

бўлмасди. Керак бўлса, жамоат жойида кимдир маст ҳолда юрган бўлса, дарҳол ички ишлар бўлимига ҳалбар беришни олат қилишимиз керак.

Ёшлар бир ҳақиқатни қўлоғига қўйиб олиши керак. Яъни, ичкиликбозликдан ҳеч ким обрў топмаган, ҳеч кимнинг бири ички бўлмаган. Аксинча, шу касофат сабабли кўпчилик ишдан, оиласидан айрилган, соғлигини, обрўсини йўқотган. Тўғриси, бу иллатлардан воз кечиш учун тарғибот ишларини кучайтириш керак.

Тан олиш керак, гиёҳвандликка қарши кураш қатъий йўлга қўйилган. Гиёҳвандликнинг зарарли оқибатлари ҳақида реклама, танқидий чиқишлар кўп бўляпти, кинофильмлар яратилмоқда. Лекин гиёҳвандликнинг пойдевори кашандаликнинг зарари ҳақида ўйлайманки, тарғибот ишлари етарли эмас. Ҳатто ўсмирлар, қизларнинг сигарета чекишига лоқайд қараймиз. Бу лоқайдлик аввало ота-онага қимматга тушади ва улар азият чекади. Сўзимни мухтасар қилишдан бўлсам, қуш ўз уясида кўрганини қилади, деганларидек, фарзандларимизга аввало ўзимиз турмуш тарзимиз билан ибрат бўлайлик. Келажаги буюк давлатнинг ворислари ҳар жиҳатдан етук, соғлом бўлиши зарурлигини унутмаслик даркор.

Мирзо АНВАР

ҲИҚМАТЛАР ХАЗИНАСИДАН

Яхшилик қилсанг, яшир, яхшилик кўрсанг, ошир

Бир донишманддан: «Нимани эсда сақлаб қолиб, нимани унутмоқ керак?» — деб сўрабдилар. У: «Агар кишилар сенга яхшилик қилган бўлсалар — уларни унутма, агар сен бировга яхшилик қилган бўлсанг — унут», деб жавоб берибди... Бундай панд-насихатни юқоридаги каби бирмунча мақоллар мазмунидан ҳам топамиз: «Берганининг озга сана, олганининг кўпга сана»; «Яхшилик қил, уйингга айтма» (Бу билан: «Бировга қилган яхшилигини бошқа бегоналар тугул, ҳатто уйингдагиларга ҳам айтма», дейилмоқчи); «Яхшилик қил, дарёга от, балиқ билмасан, Холиқ билар» (Холиқ — Аллоҳ номларидан бири); «Яхшиликни дарёга қил, биёбондан топа»; «Фарз билан қилган яхшиликнинг ёмонлиқдан фарқи йўқ».

Қил яхшиликку демаски доҳил қилма.

Миннат била яхшиликни ботил қилма.

(Навоий)

Бўлди бағрим сув гаминдан, яхшилик қил, сол сўнга, Охир, эй гул, хирмонни албатта ҳар эккан ўпар.

(Оттойи)

Қўли очикнинг — йўли очик

Сахийликни мадҳ этувчи, унинг моддий ва маънавий афзалликлари ҳамда самарасини кўрсатувчи мазкур мақолнинг қўлидаги вариантлари бор: «Кўнгли очикнинг — қўли очик, қўли очикнинг — йўли очик»; «Кўлим очик — юзим оқ»; «Кўлинг мойли бўлса, кўнжингга сурт». (Баъзи одамлар овқат еб бўлгач, қўларининг мойини «юшмоқ бўлсин» деб, махси ё этикларининг кўнжига суртадилар. Шу ҳолат мисолга олиб айтилган мазкур мақол билан: «Ортиқча маблагинг, ош-нонинг бўлса, ўз ақинларинг — қариндош-уруғларинг, дўсту биродарларинг билан бирга баҳам кўр. Шунда улар сенга яна ҳам ақинроқ ва қадрдонроқ бўладилар», деган маънода насихат қилганлар).

Одамии бадандур, химмат анга рух.

Химмат ахлидан оламда юз минг футуҳ;

Химматсиз киши эр сониде эмас,

Рухсиз бадани киши тирик демас,

Даврон элининг жисмида ҳам жон бўлгил,

Ҳам жонларига мойи дармон бўлгил.

(Навоий)

БУГУН	Об-хаво маълумоти	°C
Қорақалпоғистон Республикаси ва Хоразм вилояти	+33/+21	
Бухоро ва Навоий вилоятлари	+37/+21	
Тошкент, Самарқанд, Жиззах, Сирдарё вилоятлари	+37/+21	
Қашқадарё, Сурхондарё вилоятлари	+37/+22	
Андижон, Наманган, Фарғона вилоятлари	+35/+21	
Тошкент шаҳри	+34/+18	

ОГОҲЛИК — ДАВР ТАЛАБИ!

Кузатув хизмати — хавфсизлик кафолати

Маълумки, республикамизнинг катта қисми тоғли ва тоғодди ҳудудлардан иборат бўлиб, турли геологик жараёнлар, яъни ер қўқкилари, тош кулаши, қўқкишлар, суф-фозия ва бошқа хатарлар содир бўлиши мумкин.

Булардан энг хавфлиси ер қўққиси ҳисобланади. Ер қўққиси — бу беҳосдан қўзғалувчи, намоғарчилиги юқори бўлган катта туپроқ қатлами бўлиб, ўзининг оғирлиги ҳисобига тоғ ёнбағирлардан ва адирлардан пастга қараб ҳаракатланади.

Бу жараёнлар жуда хавфли, чунки қўққи тўсатдан пайдо бўлиб, туپроқ уюмини юқори тезликда узоқ масофага суриб боради.

Экинзорларни пайхон қилиб, аҳоли турар-жойларига катта зарар етказиладиган инфратузилмаларни ишдан чиқариш, сув ўзанларини тўсиб қўяди. Яъни, зилзила сингари хавфли офатлардан ҳисобланади.

Мамлакатимизда тоғли ва тоғодди ҳудудларидаги қишлоқ ва шаҳарларни, корхоналарни, аҳолини хавфли геологик жараёнлардан ҳимоя қилиш масаласи давлат сиёсати даражасига кўтарилган. Шунинг учун Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 1994 йил 8 апрелдаги қарори асосида Хавфли геологик жараёнларни

кузатиш Давлат хизмати (ДКХ) ташкил этилди.

Унинг таркибиде 7 ҳудудий кузатиш станциялари фаолият кўрсатмоқда. Ушбу ҳудудлардаги 700 объект, жумладан, қўллаб-қўрғин пунктлари, дам олиш оромгоҳлари, автомобиль ва темир йўллари, каналлар ва тоғ-кон ва сув иншоотлари ДКХ ҳолимларининг доимий кузатуви остидадир.

ДКХ мутахассислари ўтган йиллар мобайнида мамлакатимиз тараққиётига хизмат қилаётган ўнлаб ижтимоий-иқтисодий лойиҳаларни амалга оширишга ўз ҳиссаларини қўшиб келишмоқда. Улар магистрал газ қувурларини ўтказиш, автомобиль ва темир йўллари куриш олдидан тегишли участкаларда геологик вазиятнинг ўрганиб, ўзларининг ҳулоса ва тақлифларини берадилар.

Масалан, 2005-2006 йилларда Тошғузар — Бойсун — Қумқўрғон темир йўли трассалари ёқасидаги тоғ-ёнбағирларни бардошлилигини геологик жиҳатдан тадқиқ этишди. 2013 йилда Тошкент — Самарқанд юқори тезликдаги темир йўли линиясининг Ғаллаорол участкаси муҳандислик-геологик текширувдан ўтказилди.

Шунингдек, 2013-2014 йилларда Ангрен — Поп темир йўли ўтадиган тоғларнинг, Тошкент — Ўш

автоматизирал йўли ўтадиган ҳудудларнинг геологик аҳволи чуқур ўрганилиб, қурувчи ва муҳандисларга тегишли ҳулосалар берилди. 2014-2015 йилларда барпо этилиши мўлжалланган Марказий Осиё — Хитой газ қувурининг Ўзбекистон ҳудудига қарашли участкасида муҳандислик-геологик текшириш ишлари ўтказилди.

Бундан ташқари, ДКХ мутахассислари 2007-2011 йилларда фавқулодда вазиятларни прогностлаш ва уларнинг олдини олиш, 2008-2012 йилларда атроф-муҳитни муҳофаза қилиш давлат Дастуриларини, 2011-2015 йилларда атроф-муҳитнинг Давлат мониторингини амалга оширишда қатнашишди.

Айни пайтда хорижий ташиқлотлар билан ҳамкорлик йўлга қўйилган. 10 йилдан буён ДКХ мутахассислари қўққи мониторингини бўйича халқаро лойиҳаларда иштирок этишмоқда. 2004-2005 йилларда Словакия Фанлар академияси Геофизика институти олимлари билан биргаликда қўққи жараёнлари мониторингини юзасидан тадқиқот олиб борилди. 2008-2010 йилларда Япония агентлиги билан биргаликда мазкур йўналишда пилот лойиҳалари амалга оширилди. Айни пайтда хавфли

геологик жараёнларни ўрганиш бўйича япониялик мутахассислар билан тажриба алмашиш ҳам йўлга қўйилган.

Ҳозирги кунда MIREKO Корей компанияси ва Марубени Япония корпорацияси билан ҳамкорликда ер қўққиларини ўрганиш ва мониторингини ўтказиш жараёнида замонавий усулларни ҳамда илғор технологик ускуналарни қўллаш режалаштирилмоқда.

2012 йилдан 2015 йилгача бўлган даврда юртимиздаги тоғ ва тоғодди ҳудудларининг қўққи хавфининг даражаси акс эттирилган хариталарни тузиш бўйича ҳам кенг кўламли ишлар олиб борилди ва 12 тоғ минтақаси бўйича 24 харита яратилди. Шу тарзда Ўзбекистонда табиий хавфларни умимий баҳолашга оид бўлшиқ тўлдирилди.

Амалга оширилаётган ушбу тадбирлар юз бериши мумкин бўлган хавф-хатарларнинг олдини олиш, талафотларни камайтириш, фуқаролар ва иқтисодиёт объектларини ҳимоялашга хизмат қилади.

Ғани БИМУРЗАЕВ, Ўзбекистон Республикаси Давлат геология ва минерал ресурслар қўмитаси ҳузуридаги хавфли геологик жараёнларни кузатиш Давлат хизмати бошлигининг ўринбосари.

МУАССИС:



O'ZBEKISTON
XALQ DEMOKRATIK
PARTIYASI
MARKAZIY KENGASHI

Bosh muharrir: **Safar OSTONOV**

TAHRIR HAY'ATI:

Abdulla O'RIPOV
Hotamjon KETMONOV
Ulug'bek VAFOYEV
Rustam KAMILOV

Saidkamol XODJAYEV
Muslihidin MUHIDDINOV
Ochilboy RAMATOV

Saidahmad RAHIMOV
Farrux HAMROYEV
(Bosh muharrir birinchi o'rinbosari)
Tat'yana KISTANOVA
(Bosh muharrir o'rinbosari)

Qabulxona — 233-65-45

Xatlar va murojaatlar uchun — 233-12-56

E-mail: info@uzbekistonovozi.uz

MANZILIMIZ:
100000, Toshkent,
Matbuotchilar
ko'chasi, 32-uy.

Gazeta O'zbekiston Matbuot va axborot agentligida 0006-raqam bilan 2007-yil 11-yanvarda ro'yxatga olingan.

«Sharq» nashriyot-matbaa aksiyadorlik kompaniyasi boshmaxonasida chop etildi.
Korxonada manzilli: Buyuk Turon ko'chasi, 41-uy.
Gazeta ofset usulida, A-2 formatida bosildi. Hajmi — 2 bosma taboq.

Gazeta seshanba, payshanba va shanba kunlari chiqadi.
«O'zbekiston ovozi» materiallarini ko'chirib bosish faqat tahririyat ruxsati bilan amalga oshiriladi.

Г — 959
8786
nuxxada
bosildi.

Nashr ko'rsatkichi — 220
t — Tijorat materiallari
O'ZA yakuni — 21:17
Topshirilgan vaqti — 00:30

Sotuvda kelishilgan narxda

Navbatchi:
Alisher RO'ZIYEV
Sahifalovchi-dasturchilar:
Zafar BAKIROV
Behzod ABDUNAZAROV



1 2 3 4 6